




Иродахон ГАФУРОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси, тадқиқотчи

БУХОРОДАГИ ИСЛОМ ОБИДАЛАРИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Марказий Осиё ҳудудида археологлар томонидан топилган шаҳар харобалари, тарихий меросимиз намуналари, исломий обида ва ёдгорликлар ўша замон қурувчиларининг моҳирона, юқори савиядаги меҳнатлари ҳақида гувоҳлик беради[1]. Қадим замонлардан Ўрта Осиё ҳудудидаги исломий ёдгорликларга катта эътибор қаратилган. Бу ерларга келган инсонлар ўтган асрлардан қолган мероснинг нақадар бойлигига ҳайрат билан қарашган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон чор Россияси томонидан босиб олинди. 1865 йилда Тошкент; уч йилдан сўнг 1868 йили рус қўшинлари Самарқанд ва Зирабулоқ яқинида Бухоро амирини тор-мор этди. Қўқон хонлиги ишғол этилди ва Санкт-Петербург вассалига айлантирилди. Бухоро амири ва Хива хони ўз ҳудудлари ичида ҳукмронликни сақлаб қолиб, рус императори тобеъларига айланди, Самарқанд рус генерал-губернаторлигига қўшилди[2].

Туркистон билан тарихий боғлиқликда бўлган Бухоро 1920 йил воқеаларигача Туркистон таркибига кирмаган. Амирни ағдариб, Бухоро Халқ республикаси тузилгач, *Цуардел*[3]га архив ҳужжатлари, қўлёзмалар, санъат ва тарихий ёдгорликларни сақлаш ишида Бухоро революцион Қўмитасига ёрдам учун ведомостлараро Комиссия тузиш юклатилди. Ушбу Комиссия Бухородаги нураётган, вайрон этилган обидаларни таъмирлаш ва сақлаш учун ҳамда Маориф Нозирлиги билан ҳамкорликда В.Л.Вяткин томонидан жамланган қўлёзма ва ҳужжатларни кўздан кечириб айрим чора-тадбирлар кўрди[4].

[1] Шишкин В.А. Города Узбекистана. – Т.: ЎзФАН, 1943. – С. 3.

[2] Ўша жойда. – С. 28.

[3] Центральное Управление Архивным Делом в Туркестане.

[4] Қаранг: Известия Российской Академии истории и материальной культуры. Т.1, 1922. – С.14.

Бухоро Халқ республикаси даврида 1920 йилда зиён етган обидалар таъмири ўтказилди. Руслар томонидан “ўлим минораси” деб номланган Минора-и Калон (1127 й.) таъмирланди[5].

Минора маҳаллий усталар томонидан ташқи кўринишига ўзгартириш билан таъмирланди: унинг юқори қисми олдингидек беш қатор сталактитлар билан эмас, балки уч қатор билан безатилди[6]. 1920 йилда вайрон этилган ва ёниб кетган қалъадаги иморатлар уюм-уюм харобалардан тозаланиб, сақланиб қолганлари таъмирланди. Калон жомеъ масжиди (XVI аср) нинг кўк гумбази, Мир Араб мадрасаси (1535 г.) ва бошқа бир қатор обидалар қисман таъмирдан ўтди.

Бухоро – бир неча асрлар аввалги ташқи кўринишини сақлаб қолган кам сонли шаҳарларнинг биридир. Шунинг учун бу шаҳар тарихий ёдгорлик ҳисобланади[7]. Қалъадан шарққа жойлашган шаҳристон қисмини кейинчалик ҳам шундайлигича сақлаб қолинса мақсадга мувофиқ бўларди[8]. Лекин шуни афсус билан айтиш керакки, Бухоро исполкоми топшириғи билан, “Средазкомстарис”нинг қаршилигига қарамай, 1927 йилда Регистондаги Поёнда масжиди (1614 йил) буткул бузиб ташланди; Абдулазизхон мадрасаси (1670 йил) бузилиши бошланди: мадрасанинг ғарбий 9 та аркаси буткул вайрон қилинди.

Ўрта Осиёдаги миллий-давлат чегаралари белгилангандан кейин, Бухоро Ўзбекистон Республикаси таркибига киргач, Средазкомстарис томонидан 1925 йилда Бухорода худди Самарқанддагидек собиқ Амир саройлари ва Бухоронинг тарихий ёдгорлик ва обидаларини асраш ва муҳофаза қилиш учун махсус комиссия (“Бухаркомстарис”) иш бошлади.

Бухорода Қорахонийлар даври муҳим обида ва ёдгорликлари сақланиб қолган. Биринчидан, бутун шаҳар узра қад кўтарган 1127 йила қурилган Минораи Калон янги жомеъ масжиди ёнида қурилган. Иккинчидан, шаҳардан жанубга томон 500 м узоқликда жойлашган “Намозгоҳ” масжиди жудаям ноёб обидадир. Чашмаи-Айюб мақбараси баланд конуссимон гумбази худди Намозгоҳдек бир неча марта таъмирланиб, қайта қурилган[9].

1923 йилдан Д.А.Морозов “Ёдгорликларни сақлаш қўмитаси”нинг топшириғи билан Бухоро ёдгорликларининг мукаммал фотосъёмкаси ҳамда шаҳар ва унинг атрофи планини қайта тайёрлаши билан Бухоро обидаларини тизимли ўрганишга қадам қўйилди. 1924 йилда Средазкомстарис ташаббуси билан Бухоро ҳукумати маблағларига архитекор Гинсбург бошчилигидаги экспедиция иш бошлади. Улар Бухоронинг 32 та обидасини техник ўрганиб, ўлчаб ва регистрациядан ўтказишди. Бундан ташқари, ушбу обидаларнинг чизмалари ва планлари тайёрланди.

Обидаларни кўздан кечиришда асосий эътибор тепа қисми ва биноларнинг устун қисмларига берилган. 1925 йилдан Бухарстарис томонидан Бухоро шаҳрида таъмирлаш ишлари бошланди. Биринчи бўлиб, XIV асрда қурилган *Баёнқулихон* мақбарасига эътибор қаратилди. Обидани ҳам ички, ҳам ташқи томонидан қоплаб олган тупроқ қатлами ва асрлик ахлатлардан тозаланди; мақбара деворларига яқин жойлашган қабрлар сурилди. Таъмир пайтида деворлардан нақшинкор сирланган лавҳалар кўп миқдорда топилди. Ушбу мақбарани ўрганиб чиққан муҳандис В.А.Красильников таъкидлашича, мақбара бир неча марта таъмирланган, бунга деворлардаги бир неча қатор устма уст терилган ғиштлар гувоҳлик беради[10]. “Мураккаб кладка” ва ёриқлар билан зарарланган гумбазни буткул таъмирини амалга ошира олмай, ёриқларни тозалаб, алебастр сувоқ қилиб қўйилган. Гумбазнинг пештоқи

[5] Маҳаллий аҳоли бу минорани ҳеч қачон “ўлим минораси” деб атамаган; биринчи бор ушбу атамани бухороликларнинг айтишича, инқилобдан сўнг европаликлардан эшитган. Айтишларича, Манғитлар даврида Бухорода бир-икки маротаба жиноятчиларни ушбу минорадан ташлашган, лекин ёзма манбаларда бу ҳақида ёзилмаган. Қаранг: Кауфман тўпламида Д.Н.Логофет томонидан “На башне смерти” ҳикояси. – Москва, 1910.

[6] Денике Б.П. Искусство в Средней Азии. – М., 1927. – С. 14.

[7] Семенов А.А. Таджикистан. – Т.: 1925. – С. 139; Бартольд В.В. О памятниках Бухары и их судьбе//Правда Востока. 25 август 1925.

[8] Қаранг: Умняков И.И. Сборник Туркестана Восточного института в честь проф. А.Э.Шмидта. – Т.: 1923. – С. 150152.

[9] Шишкин В.А. Города Узбекистана. – Т.: УзФАН, 1943. – С. 13.

[10] Умняков И.И. Архитектурные памятники Средней Азии. Исследование. Ремонт. Реставрация. 1920 – 1928 гг. – Т.: 1929. – С. 17.

темир билан тортиб қўйилган. Мақбаранинг деворлари, томи ва томга олиб чиқувчи зиналари таъмирланган; бино бурчаклари маҳаллий мусулмон ғишт билан қайта сувалган; мақбара порталидаги нақшинкор ёзувлар алебастр билан мустаҳкамланган.

Бухоронинг, шунингдек, Ўрта Осиёнинг энг қадимги ёдгорликларидан бири X асрда қурилган Исмоил Сомоний мақбараси ҳисобланади. Ушбу мақбара минг йиллар давомида яхши сақланиб қолган, шу билан бирга дунё миқёсидаги ёдгорликлар рўйхатига киритилишга муносиб. Юз йиллар давомида Ўрта Осиёда пайдо бўлиб ривожланган бадиий архитектура мактаби намунаси дейиш мумкин[11].

1925 йилдан ушбу ёдгорлик Бухарстариснинг таъмирлаш ва реставрация ишлари объектига айланди. Ушбу ишларни барчаси обиданинг ичига ёғингарчилик кирмаслиги учун қилинди. 1926 йилда таъмир ишлари архитектор М.М.Логинов бошчилигида давом эттирилди. Мақбаранинг атрофи 2 сажен[12] радиусда қабрлардан тозаланди. Иншоотнинг тагидаги тупроқлар олиб ташланиб, ғишт терилгани кўринган эди.

Ўша даврда иншоотнинг шимолидан қўшилиб кетган катта бўлмаган бир масжид бузилиб ташланган эди. Археолог В.Л.Вяткин бошчилигида мақбаранинг жануби-шарқий бурчагида сағана[13] ёнида қазиш ишлари олиб борилди. 1927 йили эса М.М.Логинов томонидан мақбаранинг жанубий томондаги икки бурчак нақшлари қайта тикланди.

Нодир Девонбеги мадрасасида (1029–1620) ҳужра ва хоналар таъмирланди ва бинонинг деворлари мустаҳкамланиб, томнинг нураган жойлари ғиштлар билан ёпилиб, алебастр қуйилди.

Говкушон мадрасаси (970–1562)да шимоли-шарқий бурчаги бино массивидан анча сурилиб кетганлиги боис қайта тикланди; гумбазнинг бир қисми, осма рабоқлар ва ташқи томондаги икки томи қайта тикланди.

Бухородаги энг йирик мадрасалардан бири Кўкалдош мадрасаси (986–1578 й.) уч мадрасадан иборат. Улардан бирининг номи Ал Носир Элчи мадрасаси. Ушбу мадраса аввалроқ императрица Екатерина II томонидан 40 000 рубль маблағ ажратилиб молиялаштирилган[14]. Тез-тез ер силкинишлари бўлиши сабабли мадрасада кўпгина ёриқлар бўлган.

Кўкалдош мадрасасида томнинг ёриқлари ва нураган жойлари маҳаллий ғишт билан ёпилиб, алебастр қуйилган, мўрилар тўғирланган, мадраса ёнидаги масжид таъмирланди, кейинчалик музей сифатида фойдаланилди. Мадраса ҳовлисидаги янги қурилган иншоот 1927 йил 22 июнь куни очилган музей биносига айланди.

1928 йилдан Бухородаги таъмирлаш ишларига архитектор П.С. Касаткин раҳбарлик қила бошлади. Кўкалдош мадрасасида деформациялашаётган порталига (шимолий томондан) музей биноси устига қуламаслиги учун вақтинчалик ёғоч ғўлалардан тиргаклар тираб қўйилди. Абдуллахон мадрасаси (998–1589)да ташқи портал юзаси мустаҳкамланди, катта аркнинг икки ярми алебастр сувоқ билан мустаҳкамланди.

Намозгоҳ масжиди (XVII аср, шаҳар ташқариси)да ғарбий деворларини тиклаш ишлари ҳамда икки думалоқ гумбазларнинг пештоқи тўғирланиб, катта марказий гумбазнинг арклари қисман таъмирдан чиқди, иншоотнинг шимоли-шарқий бурчаги мустаҳкамланди.

Бухородан 6 чақирим[15] узоқликда Чор Бакр мадрасаси, мақбараси ва қабристони жойлашган. Бу катта бир иншоотга икки қанот каби икки ён тарафдан катта гумбазли икки масжид қурилган[16].

Бухорочалик Ўрта Осиёда бошқа тарихий обидаларга бой бўлган шаҳар бўлмаса керак. Санаб ўтилган обидалардан ташқари, Модарихон мадрасаси (974–1566); Абдуллахон томонидан 966–1558/9 йилда Хўжа Ислом Жўйборига атаб Сумитанда (шаҳар яқинида) Хўжа Жўйбори аждоди бўлган Абу Бакр Саад мозори яқинида ҳонақоҳ, масжид ва мадраса қурдирилган; Мағоки Аттор масжиди (949–1542)[17]; Абдулазиз мадрасаси (XVII аср) ва



[11] Шишкин В.А. Города Узбекистана. – Т.: УзФАН, 1943. – С. 9.

[12] Уч газ ёки 2 ,134 метрга тенг узунлик ўлчови.

[13] Мақбара, қабртош.

[14] Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. Москва: Наука. 1975. - С. 100.

[15] 1,06 км га тенг масофа ўлчови.

[16] Ўша жойда.

[17] Засыпкин Б.Н. Архитектурные памятники Средней Азии. Проблемы исследования и реставрации. – Москва, 1928. – С. 15.

бошқаларда ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилди[18].

Карманада Қосим Шайх масжиди (XVI аср) 1920 йил воқеаларида қаттиқ зарар кўрди. Минора асосида ва гумбазидаги ёриқлар ямалди; масжид томи қисман таъмирланди; обида асос қисмига янги ғишт қатлами қўйилди.

Бухоро комиссиясининг эътиборини тортган Бухоро яқинидаги яна бир обида Вобкентда жойлашган минора (593–1196\97) ҳисобланади. Бу минора Бухородаги Калон масжиди ёнидаги катта минорага ўхшаш. Ушбу минора бухоролик Садр Бурҳониддин Муҳаммаднинг ўғли садр Бурхониддин Абдулазиз томонидан қурилган. Бу ҳақида минорадаги ёзувнинг паст қаторида ёзилган.

Бухорода 360 та масжид мавжуд бўлиб, улар шаҳардаги мадрасаларнинг ёки рўпарасида ёки ёнида қад кўтарган[19].

[18] Батафсил: Известия Средазкомстариса. Вып. I. – С. 47-49; Вып. III. – С. 272.

[19] Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. Москва: Наука. 1975. - С. 99.

XVI асрда қад кўтарган обидалар орасида Хўжа Зайниддин хонақоси (масжиди) ва Баланд масжиди бадиий завқ беради. Иккала обиданинг ички кўринишида жуда ажойиб нақшлардан фойдаланилган, вақт ўтиб улар оқариб, нураб, тўкилиб кетган, лекин шунда ҳам илк кўринишидаги жозибаси, ранг-баранглиқни сақлаб қолган[20].

Хулоса қилиб айтсак, Бухоронинг ислом обидалари Самарқанд обидаларига нисбатан кўпроқ ва яхшироқ сақланиб қолган. XX аср бошларигача Бухородаги таъмирлаш ишлари тизимли бўлмаган, сабаби Бухоронинг генерал-губернаторликдан сиёсий мустақиллиги эди. Генерал-губернаторликда русларнинг энг кучли олимлари – таъмирловчилар, архитекторлар, археологлар ва тарихчилар бор эди. Шуни таъкидлаш керакки, XX асрнинг 20-йилларидаги Бухкомстарис ва Средазкомстарисларнинг таъмирлаш ишларига қўшган катта ҳиссалари сабабли ислом обидалари бизгача илк кўринишларида етиб келди.

[20] Шишкин В.А. Города Узбекистана. Ташкент: УзФАН, 1943 С. 25.

